



**DEVELOPMENT OF THE LEGAL BASIS OF THE ACTIVITY
OF CRIME PREVENTION SERVICES OF THE INTERNAL
AFFAIRS BODIES (1999-2016)**

Amanov Abrorjon Abdullaevich

Professor of the Institute for Advanced Training of the Ministry of
Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14250294>

ARTICLE INFO

Received: 24th November 2024
Accepted: 29th November 2024
Online: 30th November 2024

KEYWORDS

*Internal affairs bodies, crime
prevention services, crime
prevention activities, legal basis.*

ABSTRACT

*The article discusses the development of the legal basis of
crime prevention services of internal affairs bodies of the
Republic of Uzbekistan, offers and recommendations for
more effective organization of this activity.*

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ
ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ
(1999-2016-йиллар)**

Аманов Абдоржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Малака ошириш институти профессори
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14250294>

ARTICLE INFO

Received: 24th November 2024
Accepted: 29th November 2024
Online: 30th November 2024

KEYWORDS

*Ички ишлар органлари,
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси хизматлари,
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти,
ҳуқуқий асос.*

ABSTRACT

*Мақолада Ўзбекистон Республикаси ички ишлар
органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
хизматлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларининг
ривожланиши хусусида фикр юритилиб, мазкур
фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид
таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган.*

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мулкани турли ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, жамоат тартибini сақлаш, жамоат хавфсизлигини, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ўзига хос ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, мазкур тизимда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари муҳим аҳамият касб этади.



Айтиш мумкинки, жамият ижтимоий ҳаётида иштирок этаётган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар бир иштирокчиси яъни, субъекти ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлганидек, ички ишлар органлари ҳуқуқбузар-ликлар профилактикаси хизматлари ҳам ўзининг ҳуқуқий мақомига эгадир.

Баъзи манбаларда «ҳуқуқий мақом» тушунчасига – субъектнинг ҳуқуқ нормалари билан белгилаб берилган ҳолати, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуи¹ деб таъриф берилган. М.З. Зиёдуллаев, юридик шахснинг ҳуқуқий мақоми ҳақида сўз борганда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан бирга асосий вазифаларини ҳам киритиш мумкин² деб таъкидлайди.

Бизнинг назаримизда, юқорида келтирилган «ҳуқуқий мақом» тушунчасидаги «субъектнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» ўзида «субъектнинг вазифаларини» ҳам қамраб олади. Яъни, норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар билан субъектга берилган ҳуқуқ ва юкланган мажбуриятлар унинг вазифа ва функцияларини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Юртимизда 2017 йилдан бошланган ва бугун изчил, кенг қамровли амалга оширилаётган Янги Ўзбекистон ислохотларига қадар, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқий мақомининг ривожланишига тўхталиб, айтишимиз мумкинки, ўтган йиллар давомида давлат органининг таркибий қисми ҳисобланган ушбу хизматнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар жамиятимиз ижтимоий ҳаёти ривожланишига мутаносиб равишда, ўзига хос тарзда такомиллаштирилиб келинди десак муболаға бўлмайди.

Жумладан, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мазкур ўтган даврда нафақат ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг балки, бутун ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва мазкур йўналишдаги ишлар ҳозир ҳам юртимизда тинчлик ҳамда осойишталикни, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини янада самарали таъминлаш мақсадида изчил давом эттирилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»³ги қарори биз тўхталаётган даврда ушбу соҳадаги ислохотларнинг бошланиши бўлди деб айтишимиз мумкин. Сабаби, ушбу бошланган ислохотлар бутун ички ишлар тизимини қамраб олганлиги ва фаолиятининг барча муҳим соҳаларига қаратилганлиги билан ўзига хосдир. Жумладан, мазкур қарор билан Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси таркиби қайта ташкил этилди, ППХ ва ЙПХ фаолияти мутлақо янгича асосда йўлга қўйилди, милиция участка инспекторлари негизида профилактика инспекторлари институти ташкил этилди⁴.

¹ Правовой статус / [Эл. манба]. – URL: <https://ru.wikipedia.org/wiki/>.

² Зиёдуллаев М.З.. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. Т. 2018 й. – Б.6.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги 170/40-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁴ Пулатов Ю.С. С чего начинается реформирование органов внутренних дел // Ҳуқуқ-Право-Law. - 2004. - № 4. - С. 83.



Шунингдек, ушбу қарор асосида Тошкент шаҳридаги 444 та маҳалланинг барчасида таянч пунктлари ташкил этилиб, уларда 1200 га яқин профилактика инспекторининг фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур ислохот-ларнинг натижаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш имконини берди, мамлакатимизда жинойи вазиятни сезиларли даражада соғломлаштиришни таъминлади⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶ги ПФ – 2822-сон Фармони ҳам ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқий мақоми такомиллашувида алоҳида аҳамиятга эгадир. Боиси, ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ташкилий тузилиши ва асосий вазифаларини белгилаб берди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати ролини кучайтириш чоралари тўғрисида»⁷ги қарори ҳам Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мамлакатимизнинг барча маҳаллаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг энг қуйи бўғини ҳисобланган таянч пунктлари ташкил этилиб, уларда профилактика инспекторлари фаолияти йўлга қўйилди ҳамда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик билан, бошқача айтганда, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқбузар-ликларни олдини олишдаги ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»⁸ги 162-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁹ги ПФ – 3264-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар органларига мутахассислар

⁵ Каримов И.А. Хавсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. - Т., 2002. - Б. 96.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2822-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати ролини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги 247/41-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 162-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3264-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.



тайёрловини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»¹⁰ги 442/69-сон қарорлари ҳам соҳада амалга оширилган ислоҳотларнинг самарасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Сабоби, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси хизматларининг мутлақо янги тизими шаклланишига, уларнинг фаолияти янада кучайтирилишига ва ҳуқуқий асослари ҳамда ҳуқуқий мақоми янада мустаҳкамланишига, моддий-техник базаси такомиллаштирилишига ва бевосита ушбу хизмат учун ички ишлар органлари ўқув юртларида етук малакали кадрлар тайёрланиши, қайта тайёрланиши ва малакасини оширилишига, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари тизимида янги ташкил этилган таркибий тузилмалар, яъни ҳуқуқбузарликларга қарши комплекс курашувчи ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолияти йўлга қўйилишига, уларнинг ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда ўзга давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик механизмлари жорий этилишига самарали таъсир этди, десак муболаға бўлмайди.

2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»¹¹ги қонунининг қабул қилиниши ҳам ушбу соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошишига, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига хизмат қилмоқда. Хусусан, мазкур қонунда ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс, ғайриижтимоий ҳуқ-а-твор, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси каби асосий тушунчаларга тегишли таърифлар келтириб ўтилди ва шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари белгилаб берилди ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари этиб, ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси кўрсатиб ўтилди. Ушбу қайд этилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари, принциплари ва турлари ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятини самарали амалга оширишда дастурул-амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари алоҳида белгилаб берилган бўлиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимида ички ишлар органлари ҳам қайд этилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ички ишлар органлари:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар органларига мутахассислар тайёрловини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 442/69-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.



- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлиги таҳлилини амалга оширади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;
- ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;
- Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади;
- фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлайди, уларга нисбатан чора-тадбирлар кўради;
- паспорт-виза режимига, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини сақлаш қоидалари ҳамда тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;
- жиноятларни фош этишда ва терговга, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар қидирувида иштирок этади;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.
- Ички ишлар органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин деб белгилаб берилди.

2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»¹²ги қонунининг қабул қилиниши ҳам ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уларнинг таркибий тузилиши ва бугунги ҳолатини тушуниш, мақсади ҳамда вазифаларини белгилаб олишда ўзига хос аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, қонуннинг 2-моддасида ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат эканлиги, 4-моддасида эса, ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналиш-ларидан бири сифатида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-

¹² Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.



шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш белгилаб берилди.

Шунингдек, қонуннинг 15-моддасида ички ишлар органлари ҳуқуқ-бузарликлар профилактикаси хизматларининг асосий таркибий тузилма-ларидан бири бўлмиш ички ишлар органларининг таянч пунктлари туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ҳамда қишлоқларда, овулларда ва маҳаллаларда жамоат тартиби сақланишини, фуқаролар хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профи-лактикасини, жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлайдиган асосий қуйи бўғини эканлиги алоҳида қайд этилди.

Шу билан бирга, ички ишлар органларининг таянч пунктлари фаолиятни профилактика катта инспекторлари, инспекторларидан ва уларнинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларидан иборат таркибда амалга ошириши ҳамда профилактика инспекторлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори билан лавозимга тасдиқланиши ва улар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиши, ички ишлар органларининг таянч пунктлари ишини ташкил этиш учун ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ҳам жалб этилиши мумкинлиги белгилаб берилди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ички ишлар органлари ҳуқуқбузар-ликлар профиликтикаси хизматлари аҳоли турар жойларида жамоат тартиби-ни сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профи-лактикасини ташкил этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш, халқимиз ҳаёт тарзи, маънавияти, қадриятлари ва ментали-тетига тўлиқ мос келадиган турмуш тарзини яратишда самарали хизмат олиб бормоқдалар. Лекин, жамият ҳар доим ривожланишда бўлганидек, ҳуқуқбузарликлар ҳам ривожланиб, мураккаблашиб ва такомиллашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам, доимий тарзда ҳуқуқбузарликлар профилак-тикасини самарали амалга ошириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бугунги даврнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профиликтикаси хизматларининг фаолияти ва иш самара-дорлигини янги босқичга олиб чиқиш бугун замон талабидир. Мазкур талабдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профиликтикаси хизматларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини бартараф этишда қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, фаолиятнинг шакл ва усулларида ҳамда хизмат ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга бугунги замонавий ахборот-коммуникация технология-лари жадал ривожланиб бораётган ҳамда дунё ижтимоий ҳаётида замонавий таҳдидлар кенг қулоқ ёзиб бораётган XXI асримизда, яъни, бугунги жамиятимиз ривожланиб боргани сари, ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳам тобора ривожланиб, мураккаблашиб ва такомиллашиб бораётган бир даврда, жамиятимиз ижтимоий ҳаёти ривожланишига



мутаносиб равишда, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолияти-нинг ҳуқуқий асосларини ҳам, бошқача айтганда, улар фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзига хос тарзда замон билан ҳамнафас такомиллаштириб бориш аксиомадир. Зеро, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш, шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ҳамда уларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни узлуксиз амалга ошириш мамлакатимиз истиқболи йўлида қилиниши лозим асосий йўналишлардан биридир.